


№04-04/1-3277
01.05.2023й

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари,
Ҳукумат комиссиясининг раиси



Ж.А. Ходжаев

2023 йил “30” апрел

**Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш
ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича
Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 31-сон баёни**

2022 йил 10 апрель

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ж.А. Ходжаев – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ҳукумат комиссиясининг раиси

Иштирок этдилар: Ҳукумат комиссиясининг аъзолари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари – инвестициялар, саноат ва савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари *(рўйхат бўйича)*

КУН ТАРТИБИ:

Қувватлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва қўшимча захираларни сафарбар этиш тўғрисида, махсус иқтисодий, кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ва ҳудудий инвестиция дастурлари ижросини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш тўғрисида

(Ходжаев, Мирсоатов, Тўлаганов, Аннакличев, Холмуродов, ..., Ходжаев)

Йиғилишда фойдаланилмаётган қувватларни тўлиқ ишга солиш ҳамда мавжуд резервларни жалб қилиш, жойларда йирик инвестиция лойиҳаларни белгиланган муддатларда ишга тушириш учун зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, эркин иқтисодий, кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида режалаштирилган лойиҳаларга белгиланган тарбида зарур бўлган муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва кредит маблағларини ажратиш масалалари муҳокама қилинди.

Жойларда ўрганишлар натижасида **361 та** корхонанинг муаммоли масалалари аниқланган. Ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш мақсадида, масалалар **6 та** йўналишга ажратилиб, муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқ ва вазифалар белгиланди.

Жумладан, вақтинча ишламаётган **99 та** корхона, тижорат банклари балансидаги **94 та** бино-иншоотлар ва технологик ускуналар, тижорат банклари томонидан сотилган ва ҳозирда ишламаётган **23 та** корхона, кредит ҳисобига технологик ускуналар қисман ёки тўлиқ етиб келмаган **49 та** корхона ҳамда паст қувватда ишлаётган **96 та** корхоналарда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан “йўл хариталар” ишлаб чиқиш ва белгиланган тадбирларни бажарилишини таъминлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Барча саноат зоналарида жорий йилнинг 1 март ҳолатига ўтказилган хатловлар натижалари таҳлил этилди. Жумладан, жами **6 308,3** гектар бўш фойдали ер майдонлари мавжуд бўлиб, инвесторларга ижарага бериш учун улардан **3 672,2** гектари аукцион савдоларига чиқарилганлиги ва **2 636,1** гектари аукцион савдоларига чиқарилмаганлиги маълум бўлди.

Тасдиқланган ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 2023 йилда қиймати **10,5** млрд долларлик **11 342 та** лойиҳалар ишга туширилиши натижасида **230 мингта** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Жорий йилнинг январь-март ойларида қиймати **287** млн долларлик **795 та** лойиҳалар ишга туширилиши ва улар доирасида **12,2 мингта** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда қиймати **555** млн долларлик **1 792 та** лойиҳалар ишга туширилиб, **22,5 мингта** янги иш ўринлари яратилди.

Хусусан, жойларда “лойиҳабай” олиб борилган ишлар натижасида қиймати **246,4** млн долларлик **944 та** лойиҳалар белгиланган муддатлардан олдин ишга туширилиши таъминланди ҳамда **8,9 мингта** янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, шаҳар ва туманларда “махаллабай” ишлар ташкил этилиши ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланилиши натижасида қиймати **64,5** млн долларлик **148 та** кўшимча (резерв) лойиҳалар ишга туширилиб, **2,7 мингта** иш ўринлари яратилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхоналарнинг муаммоли масалаларини бартараф этиш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини белгиланган муддатларда ишга туширишда амалий ёрдам бериш мақсадида **Ҳукумат комиссияси қарор қилади:**

в) Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПФ-24-сон Фармони доирасида халқаро молия институтлари ва грант маблағларини ўзлаштириш тўғрисидаги ахбороти;

г) **туризм соҳасида жорий йилда 6,3 трлн сўмлик 481 та** лойиҳалар амалга оширилиши белгиланганлиги, 2023 йил 1 чорак якунлари бўйича **440 млрд сўмлик 43 та** лойиҳалар амалга оширилганлиги, экспорт бўйича жорий йилда **2 млрд долларлик** прогноз белгиланганлиги 2023 йил 1 чорак якунлари бўйича **437 млн долларлик** экспорт амалга оширилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан хорижий давлатлардан импорт қилинган, лекин ишга туширишда турли муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан зарурий чораларни кўрмаганлиги учун Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари **О. Мирзабеков** ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари **Ш.Раҳмоновга** кўрсатиб ўтилсин.

3. Қуйидагилар:

Худудларда мавжуд қувватлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва қўшимча захираларни сафарбар этиш мақсадида, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, тижорат банклари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимларидан иборат **ишчи гуруҳлар таркиби 2.1-2.13-иловаларга;**

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида товар, иш ва хизматларни сотиб олиш бўйича **Харид комиссиянинг янгиланган таркиби 3.1.-3.22- иловаларга** асосан тасдиқлансин.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Холмуродов) ва тижорат банклари раҳбарлари Ишчи гуруҳ аъзоларини **ўн беш кун муддатга** республика худудларига хизмат сафарига юборилишини таъминласин.

5. Ишчи гуруҳлар уч ҳафта муддатда худудлардаги **361 та** саноат корхоналарни жойига чиққан ҳолда ўрганиб, мавжуд муаммоли масалаларни бартараф этиш юзасидан “йўл хариталар” ишлаб чиқиб, тасдиқлаган ҳолда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига тақдим этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосарлари **икки ҳафта** муддатда аукцион савдоларига чиқарилмаган **1 492,3 гектар** ер майдонларига инвестиция буюртманомаларини ишлаб чиқиб, аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрсин.

**Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида товар, иш ва хизматларни сотиб олиш бўйича харид комиссияси
ТАРКИБИ**

Шерматов Ш.Х.	–	рақамли технологиялар вазири, <i>Харид комиссиясининг раиси</i>
Ҳамидов С.И.	–	инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари, <i>Харид комиссияси раиси ўринбосари</i>
Норкулов И.И.	–	иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
Хидоятлов Ш.С.	–	қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
Мавлянов У.А.	–	Коррупцияга қарши курашиш агентлик директори ўринбосари
Қаюмов Ш.Ш.	–	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмита раиси ўринбосари
<i>Лавозими бўйича</i>	–	Рақамли технологиялар вазирлиги илмий-техник кенгаш раиси, <i>Харид комиссияси аъзоси</i>

** Харид комиссияси раиси тармоқ илмий-техник Кенгаш раиси бўлган ҳолларда харид комиссияси йиғилишида, тармоқ илмий-техник Кенгаш раиси ўринбосари қатнашади.*

Изоҳ. *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*